



**2014 йил 28–29 октябрь кунлари Урганч
шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган
«Орол денгизи минтақасидаги экологик
офат оқибатларини юмшатиш бўйича
ҳамкорликни ривожлантириш»
мавзусидаги халқаро конференция**

МАТЕРИАЛЛАРИ



**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат
оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни
ривожлантириш» мавзусидаги халқаро
конференция иштирокчиларига
ТАБРИК СЎЗИ**

Ҳурматли меҳмонлар!

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни қутқариш халқаро жамгармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтилари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакилларини, таниқли олим ва экспертларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири – Орол денгизининг экологик ҳалокаги ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генотипи ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор иж-



тимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилига 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бироқ минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилгани, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидаги гоят оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгида батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланиб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий куйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизида илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонлар тури кескин камайиб бормоқда,

жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, кушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, қум бўронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини қурук рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркманистоннинг Орол фожиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар куни сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳратон қишнинг узоқ давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ишлари билан шуғулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлик қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инкирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокатли таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий захиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

биринчидан – бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

иккинчидан – Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббиёт ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

учинчидан – аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушкунлик кайфиятининг юзага келишига йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечириши, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан

таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшиласиз;

тўртинчидан – ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан тақлиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган «Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури»да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш ғоят долзарб эканини эътироф этаётганидан далолат беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бунга тасдиқлайди. Ўтган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдида турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислон тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланади.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни очик тан олишимиз керакки, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамасдан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказаётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлича маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг кўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иктисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларни самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг камровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар – БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни кутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, сувни тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тураржой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойларда

замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдиридан ташвишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Ҳурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини қутқариш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси

БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг халқаро конференция иштирокчиларига МУРОЖААТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов
жаноби олийлари!

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Мен ушбу муҳим анжуман қатнашчиларини чин юрак-
дан қутлашдан мамнунман. Уни юксак савияда ташкил
этгани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билди-
раман.

Орол денгизи минтақасига 2010 йилда қилган ташри-
фимни яхши эслайман. Ўшанда аввал сув бўлган жойда
бепоён саҳрони кўриб, оғир ўйларга чўмган эдим.

Бугун Орол денгизи бутунлай йўқ бўлиш арафасида ту-
рибди. Бу йўқотиш Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги
миллионлаб одамлар учун ўта оғир оқибатларга олиб
келиши мумкин. Муаммонинг илдизи эса сув ресурсла-
ридан узокни ўйламай, нооқилона фойдаланганлигида-
дир. Шу боис сувдан маҳаллий даражада янада самарали
фойдаланиш бизнинг бу борадаги муносиб жавобимиз
бўлиши керак.

Биз трансчеғаравий сув оқимларини адолатли
бошқариш учун миллий ва минтақавий миқёсда янада
фаол ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Оролни қутқариш
халқаро жамғармасини ҳар томонлама қўллаб-қув-
ватлайди.

БМТнинг кўплаб муассасалари, жумладан Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ ҳам экология нуқтаи назаридан кўпроқ жабр чекаётган худудларда турмуш даражасини юксалтириш, ривожланишни рағбатлантириш, саломатлик ва атроф-муҳит билан боғлиқ таҳдидларни камайтириш мақсадида тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Бу эзгу интилишлар донорлар томонидан кўллаб-қувватланади, деб умид қиламан. Чунки ҳеч бир мамлакат Орол денгизи фожиаси каби ўта оғир муаммони яқка ўзи ҳал эта олмайди.

Ушбу экологик фожиага қарши курашда барчани халқаро саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш ва бирлаштиришга чақираман.

Конференция ҳар жиҳатдан самарали бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
Бош директори Маргарет Ченнинг
халқаро конференция иштирокчиларига
МУРОЖААТИ**

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримов жаноблари!

Хурматли конференция иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Мавзуси бутун жаҳон ҳамжамияти учун ғоят муҳим бўлган халқаро конференция иштирокчиларини чин дилдан кутлашдан беҳад мамнунман. Орол денгизининг қуриши билан Оролбўйи ҳудудида глобал хусусиятга эга бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган экологик, социал-иктисодий, демографик муаммолар юзага келди. Қачонлардир дунёдаги энг катта тўртта кўлнинг бири ҳисобланган Орол денгизи минтақа иктисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутганини жаҳон ҳамжамияти яхши билади. Бугунги кунда экологик жиҳатдан мураккаб ҳудудда яшаётган Марказий Осиё мамлакатлари аҳолиси ушбу денгиз билан боғлиқ глобал экологик муаммога дуч келди. Бу муаммо Европа қитъасининг кўплаб мамлакатлари учун ҳам оғир оқибатлар келтириши мумкин.

Тадқиқотлар шундан гувоҳлик берадики, сувнинг ифлосланиши, Орол денгизининг қуриган ҳудудидан кўтарилаётган катта миқдордаги туз

аралаш чанг-тўзон Оролбўйи аҳолиси ўртасида касалликларнинг кўпайишига, умумий ва болалар ўлими кўрсаткичларининг ошишига сабаб бўлмоқда. Ана шулар оқибатида ҳудудда анемия, буйрак хасталиги каби қатор жисмоний касалликлар, нафас олиш аъзолари, ошқозон-ичак йўли ва қон айланиш тизими, шунингдек, юрак қон-томир хасталиклари ва онкологик касалликлар кўпаймоқда. Мисол учун, экологик фожиадан нисбатан кўп жабр чекаётган Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси минтақасида номи келтирилган касалликларга чалиниш ҳолатлари ўртача мамлакат кўрсаткичидан 20 фоиз ва ундан юқоридир. **Энг ёмони, бу салбий таъсирга кўйроқ болаларининг учраётгани Оролбўйи аҳолиси генофондига жиддий хавф туғдирмоқда.**

Биз Ўзбекистон Ҳукумати Президент раҳнамолигида Оролбўйи жанубида вазиятнинг ёмонлашувига қарши, маҳаллий аҳолининг ҳаёт кечирishi учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чоралар кўраётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Жаҳон мамлакатлари глобал инқирозларга дуч келаятганига, иқтисодий вазият ёмонлашиши давом этаётганига қарамай, Ўзбекистон ана шу чора-тадбирларни қатъият билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон кейинги йигирма йилликда аҳоли саломатлиги нафақат ёмонлашмагани, **балки одамларнинг умр кўриш давомийлиги ўсиб бораётгани билан ҳар қанча фахрланса арзийди.**

Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти, амалга оширилаётган дастурлар ва ташаббусларга қарамай, Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш, шунингдек Оролбўйи минтақасини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича улкан ишларни амалга ошириш зарурлигини тан олиши керак. Орол денгизи атрофида жойлашган мамлакатлар минтақада устувор вазифаларни амалга ошириш ва долзарб муаммоларни ҳал этиш учун бугунги кунда кўшимча равишда техник ва молиявий кўмак берилишига эҳтиёж сезмоқда.

Ушбу йўналишда жаҳон ҳамжамияти ва донор ташкилотларнинг **Орол денгизи ҳавзаси, айниқса Оролбўйи минтақаси давлатларига кўмаклашишга қаратилган кўп қиррали ва комплекс дастурларини** шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш зарур.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг бошқа муассасалари билан биргаликда, Оролбўйи минтақасида экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича тадбирларда фаол қатнашмоқда. Хусусан, биринчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш, сил касаллиги тарқалишига йўл қўймаслик ва уни даволаш, шунингдек, тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш каби йўналишлар бўйича бир қатор лойиҳа ва дастурлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятини, шунингдек Оролни қутқариш халқаро жамғармасини Орол денгизи ҳавзасида экологик ва социал-иқтисодий вазиятни яхшилаш, **Оролбўйи аҳолисининг яшаши, такрор кўпайиши ва генофон-**

дини сақлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга чақираман. Техник ва молиявий кўмак бўйича халқаро ташкилотлар, шу жумладан БМТ муассасалари ҳамкорлигининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш;

– юкумли ва бошқа касалликларнинг олдини олиш;

– тиббиёт ходимларининг кадрлар таркибини яхшилаш ва унинг илмий салоҳиятини ошириш;

– Оролбўйи минтақасидаги экологик вазият билан боғлиқ касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш жараёнига замонавий тиббиёт технологияларини жорий этиш.

Биз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг минтақа мамлакатлари билан Ривожланишнинг умумий мақсадларига эришиш ҳамда аҳолининг саломатлик даражасини янада юксалтириш йўлидаги самарали ҳамкорлигини давом эттириш ва кенгайтириш учун бор куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли жаноб Президент, Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш ва минтақа аҳолисини соғломлаштириш борасидаги вазифаларни амалга оширишда улкан муваффақиятлар тилайман.

**ЮНЕСКО Бош директори
Ирина Бокованинг халқаро
конференция иштирокчиларига
МУРОЖААТИ**

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу табрикни йўлламоқдаман.

Ўзбекистон ҳукуматиغا ЮНЕСКО томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётган ушбу муҳим ташаббус учун миннатдорлик изҳор этаман.

Орол денгизи минтақасида вужудга келган бугунги вазият ҳар қачонгидан ҳам кенгроқ глобал ва минтақавий ҳамкорликни тақозо этади. Охириги тадқиқотлар бундан 50 йил муқаддам дунёда катталиги бўйича 4-ўринда турган, 70 минг квадрат километрдан ортиқ майдонни эгаллаган, Марказий Осиё ҳудудининг учдан бир қисмини камраб олган бу қўл ўзининг дастлабки ўлчамига нисбатан учдан бир баробаргача қисқарганини кўрсатмоқда.

Бу офатнинг сабаблари аён – Амударё ва Сирдарё сувларидан суғориш мақсадларида нооқилона фойдаланиш натижасида денгизга тушадиган сув оқими миқдори қисқарди ва сув тушиши ва унинг буғланиши ўртасидаги табиий мувозанат бузилди. Оқибатда сув қуриган жуда катта ҳудудда шўрланиш даражаси кескин ошиб кетди, ер



ости ва ер усти сувларининг ҳаддан зиёд ифлосланиши натижасида денгизнинг жанубий қисмида аҳоли саломатлигини таъминлаш нуқтаи назаридан мураккаб экологик ҳолат юзага келди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, шунингдек минтақани барқарор ривожлантиришда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Ишончим комилки, ушбу йўналишдаги ҳамкорлик Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Ҳукумат ташаббуси билан амалга оширилаётган жорий тадбирларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди ва энг илғор халқаро тажрибани жорий этишга кўмаклашади. Шу муносабат билан ЮНЕСКО шимолий музликлардан тортиб то дарёлар дельталаригача бўлган бутун Орол денгизи ҳавзаси минтақасида социал ва экологик таъсирларни ўрганиш мақсадида амалга оширилаётган ва изчил давом эттирилаётган бир қатор лойиҳаларни қўллаб-қувватламоқда ҳамда уларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда.

«Орол денгизи дельтасини экологик тадқиқ ва мониторинг қилиш» деб номланган ЮНЕСКОнинг биринчи лойиҳаси 1991 йилда бошланиб, 8 йил мобайнида ушбу лойиҳа доирасида Қозоғистон ва Ўзбекистон олимларининг Орол денгизи муаммоларига бағишланган тадқиқотлари қўллаб-қувватланди. Германиянинг таълим ва илм-фан вазирлиги кўмагида Гамбург университети томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа доирасида Амударё ва Сирдарё дельталарига бир неча

бор илмий тадқиқот экспедициялари ташкил этилди. 1998 йилда ЮНЕСКО Орол денгизи бўйича ташаббуслар доирасидаги лойиҳани давом эттирди. Бу лойиҳа 2000 йил март ойида Гаагада бўлиб ўтган Иккинчи глобал сув форумида тақдим этилган «Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурслари истиқболлари» тадқиқотини ўз ичига олган эди.

2002 ва 2011 йиллар оралиғида Германиянинг таълим ва илм-фан вазирлиги ҳамда Академик алмашувлар ташкилоти кўмагида Бонн университетининг Ривожланиш тадқиқотлари маркази билан Ўзбекистондаги Урганч давлат университети ҳамкорлигида Орол денгизи минтақасида амалга оширилган кенг кўламли тадқиқотларга ЮНЕСКО раҳбарлик қилди. Ушбу лойиҳа узок истиқболда натижа келтирадиган, фермерлар, давлат идоралари ҳамда экология талабларига жавоб берадиган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш вариантларини ишлаб чиқишга йўналтирилган эди. Фанлараро интеграциялашган ёндашувдан фойдаланилган бу иш фермерликни ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга кўмаклашди. Айни пайтда ер ресурсларидан экологик ва ижтимоий нуқтаи назардан барқарор фойдаланишни таъминлади. Тадқиқотнинг яна бир муҳим натижаларидан бири ёш олимлар ўртасида маҳаллий салоҳиятни ривожлантириш бўлди. Бир қанча ўзбекистонлик талабаларнинг ушбу йўналишлар бўйича Бонн университети ва Тошкент ирригация ва мелиорация институтида доктор-

лик ва магистрлик даражаларини олганларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Лойиҳа натижалари БМТ билан ҳамкорликдаги «Орол денгизи инқирози таъсирига учраган минтақалар аҳолисининг барқарор ривожланиши» дастурида ўз ифодасини топган. Бу дастур БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг 2010 йилда Орол денгизига ташрифидан сўнг бошланган эди.

Ҳозирги вақтда ЮНЕСКО Урганч давлат университетидаги Барқарор ривожланиш бўйича ЮНЕСКО кафедраси ҳамда қишлоқ жойларда маслаҳат хизматлари кўрсатишни қўллаб-қувватлаш бўйича нодавлат ташкилотлар билан иш олиб бормоқда.

Оролни қутқариш халқаро жамгармаси юксак даражадаги мувофиқлаштирувчи орган вазифасини муваффақиятли бажармоқда. Мен ЮНЕСКО ушбу жамгарма билан сув ресурсларини бошқариш ва трансчегаравий ҳамкорлик, иқлим ўзгариши, шунингдек экологик ва социал масалаларни ўз ичига олган кенг миқёсдаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилишга тайёрлигини таъкидлашни истардим.

Оролбўйи аҳолисининг фаровонлигини ошириш ва минтақанинг барқарор тараққий этишини таъминлаш мақсадида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва маданий-тарихий мерос йўналишларида салоҳиятни ривожлантириш ЮНЕСКО фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Яқинда БМТ муассасаларининг қўшма дастури доирасида ЮНЕСКО Ўзбекистон Бадиий ака-

демиясининг Қорақалпоғистон бўлими қошида Амалий санъатни ривожлантириш марказини ташкил этди ҳамда барқарор ривожланиш масалалари бўйича ўқув курслари ўтказди. Бу ўқув курсларида Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органларининг давлат хизматчилари қатнашди.

ЮНЕСКО анъанавий ҳунармандчилик ва туризм соҳаларини ривожлантириш, Қорақалпоғистоннинг маданий меросини сақлаш ва қайта тиклаш орқали маҳаллий аҳолининг социал ва иқтисодий фаровонлигини оширишни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятини бундан буён ҳам изчил давом эттиради. Биз минтақани ривожлантириш ва экологик офат оқибатларини юмшатишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида маҳаллий ва ҳудудий ҳокимият органларининг салоҳиятини ошириш йўли билан аниқ амалий натижалар келтирадиган барча даражада ҳамкорликни кенгайтиришга азму қарор қилганмиз. Бундай ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар ушбу ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон учун гоят муҳим бўлиб, бутун минтақани барқарор ривожлантиришда ҳаётий аҳамиятга эгадир.

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференциянинг ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ

Урганч шаҳри

2014 йил 28–29 октябрь

Урганч шаҳрида 2014 йил 28–29 октябрь кунлари «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ривожланиш бўйича шериклар – халқаро ташкилотлар, молия институтлари ва мамлакатлар кўмагида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси томонидан ўтказилган ушбу анжуманнинг асосий вазифаси, жумладан ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ манзилли ва зарур молиявий манбалар билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали Орол денгизи минтақасидаги экологик офатнинг атроф-муҳитга, Оролбўйида яшаётган миллионлаб одамларнинг ҳаёт фаолиятига ўта оғир таъсирини юмшатиш бўйича келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

Конференцияда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатлардан 200 дан ортиқ катнашчи, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси, Тараққиёт Дастури, ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти,

ЭСКАТО, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби 24 нуфузли халқаро ташкилот, шунингдек, 26 мамлакатдан ҳукумат ва молия институтлари вакиллари иштирок этди.

Анжуман доирасида Орол денгизи ҳавзасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, экологик таҳдид ҳудудида яшаётган аҳолининг такрор кўпайиши, саломатлиги ва генофондини сақлаш учун шарт-шароит, унинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган иқтисодий рағбат ва механизмларни яратиш, шунингдек экотизим ва биохилма-хилликни қайта тиклаш, Оролбўйининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва асраб-авайлаш масалаларига бағишланган ялпи, шунингдек тўртта шуъба мажлислари ўтказилди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган табрик сўзини алоҳида диққат билан тингладилар. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО раҳбарлари конференция иштирокчиларига табрик мурожаатлари йўлладилар. БМТнинг Тараққиёт Дастури, Европа иқтисодий комиссияси ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари ўз чиқишларида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш масалаларида катта

эътибор ва кучли қўллаб-қувватлаш кўрсатилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Халқаро конференция яқунлари бўйича унинг иштирокчилари ҳамкорликни ривожлантириш, Орол денгизи ҳавзаси мамлакатлари ҳамда Оролбўйи минтақасида экологик офат оқибатларини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш юзасидан қўшма баёнот қабул қилдилар:

1. «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» халқаро конференцияси иштирокчилари Орол фожиасининг атроф-муҳитга, Оролбўйида яшаётган миллионлаб одамларнинг ҳаёт фаолиятига ўта оғир таъсирини юмшатиш борасида фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган табрик сўзи учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

Конференция иштирокчилари БМТ Бош котиби, БМТ Тараққиёт Дастури, Европа иқтисодий комиссияси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан анжуманининг мақсад ҳамда вазифаларини қўллаб-қувватловчи фикрлар билдирилганини мамнуният билан қайд этдилар.

2. Халқаро конференция иштирокчилари Орол денгизининг куриши натижасида унинг ҳавзаси мамлакатларида мураккаб экологик, социал-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг бутун бир комплекси вужудга

келганини ҳамда улар келиб чиқиши ва оқибатлари даражасига кўра умуминсоний хусусиятга эга эканини эътироф этадилар.

3. Конференция иштирокчилари Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан БМТнинг қўллаб-қувватлаши билан 1993 йилда ташкил этилган Оролни кутқариш халқаро жамғармаси ўтган давр мобайнида Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича иккита дастурни амалга оширганини, ушбу жамғарма доирасида шакллантирилган биргаликдаги ҳаракатлар платформаси халқаро донорлик ҳамжамиятининг қўллаб-қувватлашига эришиш имконини берганини таъкидлайдилар.

Оролбўйи давлатлари ва аҳолиси олдида пайдо бўлган ўткир муаммоларни ҳал этишда БМТ ва унинг муассасалари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа Иттифоқи, шунингдек Япония, Корея Республикаси, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқа мамлакатлар ҳукуматлари фаол ёрдам бермоқда.

4. Конференция иштирокчилари Орол денгизи куришининг оғир оқибатларини юмшатишга қаратилган миллий дастур ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар.

Масалан, Ўзбекистон сувни тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурни амалга оширмоқда, сув ресурсларини интеграциялашган тарзда бошқариш тизимини жорий этмоқда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш

чора-тадбирларини кўрмоқда ва бошқа кўплаб ишларни қилмоқда. Натижада мустақиллик йилларида, Ўзбекистон аҳолиси ўсиб, 20 миллиондан 31 миллионга етганига қарамай, аҳоли жон бошига сув сарфи қарийб 2 баробар қисқарган. Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари қишлоқларида йилига 4 мингдан ортиқ замонавий уй-жойлар қурилмоқда, бугунги кун талабларига жавоб берадиган юзлаб мактаб ва касб-ҳунар коллежлари, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди. 700 километрдан зиёд автомобиль йўллари қурилди ва реконструкция қилинди, юз минглаб гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастур изчил амалга оширилмоқда.

5. Конференция иштирокчилари яна шуни қайд этадиларки, Орол фожиаси таъсиридаги ҳудуднинг катталиги, денгизга қуйилаётган сув ресурсларининг қисқараётгани ва сув оқимининг бир меъёردа эмаслиги туфайли бу ҳудуднинг тобора кенгайиб бораётгани шундоқ ҳам оғир вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Бу ҳолат фожаи ҳудудининг тагин ҳам кенгайишига, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш ва яшаш учун яроқсиз шўрланган майдонларнинг кўпайишига, миллионлаб одамларнинг иш ўринлари ва даромаддан маҳрум бўлишига, Оролбўйининг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсида янги йўқотишларга олиб келиши мумкин.

6. Ҳозирги вақтда Орол денгизи минтақасидаги экологик офатнинг атроф-муҳитга, Оролбўйида яша-

ётган миллионлаб одамларнинг ҳаёт фаолиятига ўта оғир таъсирини юмшатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ манзилли ва молиявий манбалар билан таъминланган лойиҳаларни қуйидаги йўналишларда амалга ошириш даркор:

– Оролбўйида бугунги кунда юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланишга қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш, улардан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш тизимини такомиллаштириш;

– Оролбўйи аҳолисининг такрор кўпайиши, генофонди ва саломатлигини сақлаш учун зарур шарт-шароит яратиш, ижтимоий инфратузилма, тиббиёт ва таълим муассасаларининг кенг тармоғини ривожлантириш;

– аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш учун социал, иқтисодий механизм ҳамда рағбатларни яратиш, зарур инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш;

– ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг, жумладан маҳаллий сув омборлари барпо этиш, ушбу минтақанинг ноёб флора ва фаунасини сақлаш йўли билан биохилмаҳилликни таъминлаш.

7. Шу ўринда Орол денгизини кутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатлар томонидан ишлаб чиқилган Орол денгизи ҳавзаси мамлакатларига ёрдам кўрсатиш бўйича учинчи Ҳаракат дастури долзарб аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратиш жоиз.

8. Оролбўйи экологик фожиасининг оғир оқибатларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ушбу минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, мазкур минтақани қайта тиклаш ва келгусида ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган Миллий лойиҳалар рўйхатини тайёрлаган ва уни халқаро молия ташкилотларига, донор мамлакатлар ва бошқа ҳамкорларга биргаликда амалга ошириш учун тақдим этади.

Конференция иштирокчилари халқаро ташкилотлар, донор мамлакатлар ҳукуматлари ва ривожланиш бўйича шерикларни Оролбўйи ҳудудида миллий ва минтақавий дастурларни амалга оширишда фаол қатнашишга, аниқ инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришни молиявий ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашга чақиради.

9. Конференция иштирокчилари анжуман давомида билдирган фикрлари, аниқ инвестиция лойиҳалари ва дастурларни қизғин қўллаб-қувватлаганликлари учун халқаро ташкилотларга, молия институтларига, донор мамлакатлар ҳукуматларига миннатдорлик изҳор этадилар. Ўтказилган анжуман доирасида умумий қиймати 3,0 миллиард долларни ташкил этадиган 24 та миллий ва 7 та минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилгани ва битимлар имзоланганини таъкидлайдилар. Ушбу лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун 1,9 миллиард доллар ҳажмидаги узоқ муддатли имтиёзли кредитлар жалб қилиниб, уларни бажарувчи-

ларга 0,2 миллиард долларлик грантлар ва техник ёрдам воситалари ажратилади.

10. Конференция иштирокчилари Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдирига бефарқ бўлмаган давлатлар, БМТ тузилмалари, молия ва экология ташкилотлари ўртасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган, кўп қиррали ва тизимли ҳамкорлик ушбу минтақада юзага келган энг ўтқир муаммоларни ҳал этишга қаратилган таъсирчан дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш имконини беради, деб қатъий ишонадилар.

Иштирокчиларнинг чиқишларида, шунингдек минтақадаги барча мамлакатларнинг, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш асоси сифатида, трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича халқаро конвенцияга қўшилиши ва бу муҳим ҳужжат қоидаларига қатъий амал қилиши муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

11. Конференция иштирокчилари пировардида Оролни кутқариш халқаро жамғармаси бошқарувиغا, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматига, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда ушбу нуфузли халқаро анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасига тайёргарлик ишларини амалга оширганликлари ва конференцияни юқори савияда ўтказганликлари учун чин дилдан миннатдорлик билдирдилар.

**Халқаро конференция доирасида амалга оширилаётган
ва режалаштирилаётган миллий лойиҳалар
РЎЙХАТИ**

млн. долл.

Т/р	Лойиҳа номи	Ижрочи ташкилот	Лойиҳа қиймати	Грант / кредит суммаси	Халқаро молия институтлари	Хужжат шакли
Кредит маблағларини жалб этиш асосида амалга оширилаётган лойиҳалар						
1	Орол денгизининг қуриган тубида дарахтзорлардан ташкил топган химоя катламларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ижроси	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	90,0	75,0	ИТБ, СТЖ, КАИТЖ	АМГ йиғилиши баённо- маси
2	Оролбўйи минтақасида хосилдорлиги юқори мева-сабзавотчиликни ривожлантириш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	160,0	150,0	КАИТЖ	Ўзаро англашув меморан- думи
3	Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқариш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	337,5	260,8	Жаҳон банки	Қарз шартно- маси

4	Аму-Бухоро магистралъ каналини модернизация қилиш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	402,1	320,0	ОТБ, ЖАЙКА	Амалга ошириш тўғрисида шартнома
5	Оролбўйи минтақасида мева ва сабзавотларни қайта ишлаш жараёнига илгор технологияларни жорий этиш дастури	Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини таркибий ўзгартириш агентлиги	87,5	67,0	ИТБ	Йиғилиш баённомаси
6	А-380 «Ғузор-Бухоро-Нужус-Бейнов» икки полосали автоўйлининг 964-1204 кмлик қисмини реконструкция қилиш	Республика йўл жамғармаси	356,0	250,0	ОТБ	Баённома
7	4Р173 «Кўнғирот-Мўйнок» автоўйли 0-9 қисмини таъмирлаш	Республика йўл жамғармаси	139,0	100,0	ОТБ	Баённома
8	Қорақалпоғистоннинг Нукуе, Мўйнок, Кўнғирот, Беруний, Қораўзақ туманлари сув таъминоти тизимларини ривожлантириш ва модернизация қилиш	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	70,0	53,0	СТЖ, ОПЕК жамғармаси	АМГ Йиғилиш баённомаси

Т/р	Лойиҳа номи	Ижрочи ташкилот	Лойиҳа қиймати	Грант / кредит суммаси	Халқаро молия институтлари	Хужжат шакли
9	Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалға тумани Бўстон шаҳрида канализация тизимини ривожлантириш	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги	18,7	18,0	Абу-Дабӣ тараққиёт жамғармаси	АМГ йиғилиши баённомаси
10	Беруний шаҳрида санитар-эпидемиологик ҳолатни яхшилаш	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги	7,7	7,0	ОПЕК жамғармаси	АМГ йиғилиши баённомаси
11	Нукус ва Таҳиятош шаҳарлари канализация тизимларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги	60,0	50,0	Жаҳон банки	Мўлжалланган ишлар ҳақида баённома

12	Хоразм вилояти, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Аму-дарё тумани аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун Пиг-нак шаҳри сув тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш	«Ўзкоммунхизмат» агентлиги	30,0	25,0	Жаҳон банки	Мўлжалланган ишлар хақида баённома
13	Оролбўйи минтақасидаги урологик муассасаларни тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	10,0	10,0	СТЖ	АМГ йиғилиши баённомаси
14	Тахياتош ИЭСида 230-250 МВт қуваагга эга иккита буг-газ мосламасини қуриш	«Ўзбекэнерго» ДАК	710,2	300,0	ОТБ	Қарз шартношмаси
15	Тахياتош ИЭС – Хоразм ПС – «Саримой» аҳоли пункти йўналиши бўйича 220 кВга мўлжалланган юқори вольтли линия қуриш	«Ўзбекэнерго» ДАК	191,0	140,0	ОТБ	Ўзаро англашув меморандуми

Т/р	Лойиҳа номи	Ижрочи ташкилот	Лойиҳа қиймати	Грант / кредит суммаси	Халқаро молия институтлари	Хужжат шакли
16	Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида электр энергиясини автоматлаштирилган ҳисоблаш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш	«Ўзбекэнерго» ДАК	187,5	130,0	ИТБ	Қарз шартномаси
	ЖАМИ		2857,2	1955,8		
Техник кўмак ва бегараз грантлар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳалар						
1	Мақтабгача ва умумий ўрта таълимни ривожлантириш	Халқ таълими вазирлиги	49,9	49,9	Таълим соҳасида глобал шериклик	Молиялаштириш тўғрисида шартнома
2	Оролбўйи минтақасида ҳамкорликда грант лойиҳаларни амалга ошириш (10 йўналиш бўйича)	Ўзбекистон Республикаси Хукумати	Лойиҳалар тайёрлаиши баробарида аниқлаиади		БМТ агентликлари	Мўлжалланган ишлар хақида баённома
3	Оролбўйи минтақасида кўшма лойиҳаларни амалга ошириш (5 лойиҳа)	Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси	34,8	33,3	Марказий Осиё минтақавий экологик маркази	Ўзаро англашув меморандуми

4	Сув ресурслари биргаликда бошқарувини ва «Смарт-вода» технологиясини амалиётта тағбиқ этиш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	5,0	5,0	5,0	К.-Water (Корея Республикаси)	Ўзаро англашув меморандуми
5	Амударё дельтаси кирғокбўйи ҳудудларида 5 минг га тўқайзорнинг табиий тикланишига кўмаклашиш ва ўрмон хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	3,0	3,0	3,0	Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги	Мўлжалланган ишлар хақида баённома
6	Оролбўйи худудли чўл ўсимликлари селекция ва уруғчилик базасини яратиб (Бухоро, Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси)	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	2,7	2,7	2,0	Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги	Мўлжалланган ишлар баённомаси
7	Оролбўйи худудли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш	Оролбўйи генотандирчилик ва саноат вазирлиги	19,1	19,1	19,1	Туркия халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги	Мўлжалланган ишлар баённомаси
	ЖАМИ		114,5	112,3			
	ХАММАСИ		2971,7	2068,1			

**Халқаро конференция доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган
минтақавий лойиҳалар
РЎЙХАТИ**

млн.долл.

Т/р	Лойиҳа номи	Ижрочи ташкилот	Лойиҳа қиймати	Граит / кредит суммаси	Халқаро молия ташқи-лотлари	Ҳужжат шакли
1	Марказий Осиёда табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича салоҳиятни мустаҳкамлаш	ОҚХЖ ижроқўми	14,9	14,9	Жаҳон банки	Баённома
2	Амударё ва Сирдарё трансчегаравий дарёлари ўзанларида сув ресурслари бошқарувини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи	ОҚХЖ ижроқўми	19,1	19,1	Жаҳон банки	Баённома

3	Орол денгизи хавасида сувдан фойдаланувчилар эхтиёжини қондириш учун сув ресурсларини биргаликда бошқаришни ташкил этиш	ОҚХЖ ижроқўми	6,7	6,7	6,7	ОТБ	Баённома
4	Марказий Осиё мамлакатларида сувдан фойдаланувчилар уюшмалари салоҳиятини мустаҳкамлаш	ОҚХЖ ижроқўми	8,5	8,5	8,5	ОТБ	Баённома
5	Орол денгизи хавасида ўрмонзорларни тиклаш ва кенгайтириш	ОҚХЖ ижроқўми	7,5	7,5	7,5	БМТ ЕИК	Меморандум
6.	Қишлоқ худудларида аҳоли бандлигини ошириш	ОҚХЖ ижроқўми	10,5	10,5	10,5	ФАО	Баённома
7	Марказий Осиёда сув ресурсларини трансегаравий бошқариш	ОҚХЖ ижроқўми	6,5	6,5	6,5	ГИЦ	Меморандум
8	ПБАМ-3 экологик йўналишдаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш	ОҚХЖ ижроқўми	6,5	6,5	6,5	Минта-кавий экологик марказ	Меморандум
	ЖАМИ		80,2	80,2	80,2		

Қўлланилган қисқартмалар:

- ОҚХЖ – Оролни кутқариш халқаро жамғармаси
АМГ – Араб мувофиқлаштириш гуруҳи
ИТБ – Ислон тараққиёт банки
ОТБ – Осиё тараққиёт банки
СТЖ – Саудия тараққиёт жамғармаси
КАИТЖ – Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси
ОПЕК – Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар жамғармаси
жамғармаси
ЖАЙКА – Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги
БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЕИК – Европа иқтисодий комиссияси (БМТ)
ФАО – Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги ташкилоти (БМТ)
ГИЦ – Германия халқаро ҳамкорлик жамияти

МУНДАРИЖА

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислом Каримовнинг табрик сўзи	3
БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати	11
Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Маргарет Ченнинг халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати	13
ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованинг халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати	17
«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати	22
Халқаро конференция доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган миллий лойиҳалар рўйхати	30
Халқаро конференция доирасида амалга оширилаётган ва режалаштирилаётган минтақавий лойиҳалар рўйхати	36

УЎК: 574.5(262.83)(063)
КБК 20.1(5Ў)
О 73

М 43 «Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2014. – 40 б.

ISBN 978-9943-28-219-3

УЎК: 574.5(262.83)(063)
КБК 20.1(5Ў)

Расмий нашр

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция МАТЕРИАЛЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси, Урганч шаҳри,
2014 й. 28–29 октябрь*

Нашр учун масъул *И. Аҳмедов*
Бадий муҳаррир *Ш. Ходжаев*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*
Мусахҳиҳ М. Ишонхонова
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Наشريёт лицензияси А1 158. 14.08.2009.

Босишга 2015 йил 7 январда рухсат этилди. Офсет қоғози. Бичими 60x84^{1/16} «Таймс» гарнитурда офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоғи 2,33. Нашр табоғи 2,28. Нусхаси 24175. Буюртма № 14-562/62.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz www.iptd-uzbekistan.uz

ISBN 978-9943-28-219-3

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2015

ISBN 978-9943-28-219-3



9 789943 282193